
ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Тошховуз МФЙ Марказ қишлоғидаги 27-ДМТТда ташкилотлар директорлари ва ходимлари иштирокида болажонларга таълим-тарбия беришда турли услублардан фойдаланиш бўйича кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Ташкилот очилганига ҳали кўп бўлмади. У ерга ишга қабул қилинган ходимларнинг кўпчилиги ишини шу ташкилотдан бошлашган. Шундай бўлишига қарамасдан ташкилот раҳбари Муҳайёхон Қаҳҳорованинг тажрибалилигидан ишларни тўғри ташкиллагани кўриниб турибди.

Ташкилотга ташриф буюрган борки, эртақлар оламига тушиб қолгандай ҳис қилади, ўзини. Семинарда яхши тайёргарлик кўрилган. Турли қўл меҳнати билан ясалган кўргазмалар кишини лол қолдиради.

Дид билан безатилган саҳнада ташкилотлар масъуллари жам бўлдилар. – Барчамизнинг мақсадимиз болаларга сифатли таълим-тарбия бериш, – дейди туман ММТБ мудир Ф.Юлдашев. – МТТда болажонларни тўғри йўлга йўналтирсак, мактабда қийинчилик бўлмайди.

–Семинарни ўтказишимиздан мақсад тажрибаларимизни ўртоқлашиш, –дейди мактабгача таълим бўлими мудир Х. Саримсақова. – Келганлар ўзлари учун нимадир ўрганиб, ўз ташкилотида ўртоқлашишади. Ютуқ-камчиликларимизни шундай семинарларда айтаемиз.

Кўргазмали семинарда болажонларнинг турли йўналишларда чиқишлари даврани қизитди, йиғилганлар қарсақлар билан олқишлашди.

Шунингдек, гуруҳлар тарбиячиларининг шартлар бўйича танлови бўлиб ўтди. Тажрибали ташкилот раҳбарларидан тузилган ҳакамлар ҳар бир шартлар бўйича ўзларининг баҳоларини бериб, тўғри, нотўғри томонларини изоҳлаб кетдилар.

Тадбир сўнгида иштирокчилар бундай семинарларни давомли, режа-жадвал асосида давом эттиришга келишиб олдилар.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-05-27 15:54:30